

# ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СИЙОСИЙ-ИЖТИМОИЙ ГАЗЕТАСИ

# ОВОЗИ

2001 ЙИЛ 4 ДЕКАБР ♦ SESHANBA ♦ № 143 (26.845)

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 29-30 ноябрь кунлари Москва шаҳрида бўлиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг саммитида қатнашди.**

## МДХ: ИҚТИСОДИЙ ИНТЕГРАЦИЯНИНГ МУҚОБИЛИ ЙЎҚ



Бу саммит Ҳамдўстлик тузилганининг ўн йиллиги муносабати билан ташкил этилди. Шу боис ўтган даврда юз берган ўзгаришларни сарҳисоб қилиш, бугунги вазиятни идрок этиш ва истиқболни белгилаш масалалари музокараларнинг марказий мавзуси бўлди.

Ислам Каримов МДХни тузишдан кўзланган мақсад бошқа бўлгани-ю, унга аъзо бўлган айрим давлатларнинг амалдаги интилишлари ўзгаришлар тус олганини кўп айтган. Бу гал ҳам Юртбошимиз саммитта жўнаш арафасида Тошкентда, кейин Москвада ана шундай фикрларини тасдиқлаб баён этди ва иқтисодий алоқалар ривожлантирилмас экан, бошқа соҳалардаги ҳамкорлик оқсат қилиши тайинлиги, зеро, ҳар қандай шериклик аввало моддий манфаатдорликка асосланганини таъкидлади. Айни пайтда савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш орқали бошқа турдаги ҳамкорликни кенгайтириш мумкинлигини қайд

этиди.

Давлатимиз раҳбари неча бор таъкидлаганидек, мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар қай йўсинда, қандай сабаблар билан қарор тонганидан қатъи назар бу муносабатларнинг асосини иқтисодий омиллар ташкил этади. Ҳаёт шунини кўрсатмоқдаки, бирор хатти-ҳаракат бежиз бўлмайди. Хар бир воқеа-ҳодисанинг замирида иқтисодий манфаат ётади. Бундай истак хар бир мамлакатда бўлиши тайин, демак, давлатлар раҳбарларининг вазифаси — самарали музокара ўтказиб, ўзаро фойда берадиган қелишувларга эришиши.

МДХнинг ўн йиллик тарихини кўз олдидан ўтказган киши бундай фойдали ўзгаришлар кўп бўлганини, Ҳамдўстлик ўн йил аввал ҳам, ҳозир ҳам кераклигини тан олади. Собик иттифок парчаланган, мустақил давлатлар юзага келди. Лекин сиёсий эркинлик бўлгани ҳолда, иқтисодий мустақиллик ҳақида гапириш қийин эди. Чунки хар бир республиканинг

иқтисодиёти бошқасиники билан боғланган, мамлакатларимиз иқтисодиёти бир-бирини тўлдирарди. МДХ бу ришталар СССР билан бирга парчаланганига йўл қўймади. Шу билан бирга, Ҳамдўстлик тўғрисида шўролар давлати уруш-жанжалларсиз парчаланди.

Ҳамдўстлик ҳозирги кунда ҳам аҳамиятини йўқотгани йўқ. У ён-атрофдаги воқеаларга муносабат билдиришда яқдиллик кўрсатиш, хусусан, террор, нарқобизнес, уюшган жиноятчилик, экстремизм каби балоларга қарши туришда ҳамжihatликни мустаҳкамлаш, жипслаштиришда муҳим.

Москва саммити қатнашчилари Афғонистондаги воқеалар тўғрисида баёнот қабул қилди. Ҳужжатда аксилтеррор операциясини ижобий баҳоланиб, унинг натижасида дунёвий террорнинг инфратузилмасига қаттиқ зарба берилгани ва минтақавий ҳамда дунёвий хавфсизликни янада мустаҳкамлашга йўл очилгани қайд этилган. Шу билан бирга, толиблар ҳукмронлиги ту-

гатилаганидан кейин Афғонистон тақдирини афғон халқининг ўзи белгилаши, мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш ишлари БМТ раҳнамолигида амалга оширилиши қўллаб-қувватланади. Шундай қилиб, Москвадаги баёнот орқали бир неча мамлакатни бирлаштирган улкан тузилманинг яқдил фикри намоийш этилди ва Ҳамдўстлик саффи мустаҳкам, аъзо давлатлар талай халқро масалаларга муносабатларда муштарак эканлиги тасдиқланди.

Давлатлар раҳбарлари имзолаган бошқа баёнот — Ҳамдўстлик тузилганининг ўн йиллиги муносабати билан қабул қилинган ҳужжат ҳам гоят муҳимдир. У амалда МДХ истиқболининг йўналишларини белгилаб берди, дейиш мумкин.

МДХнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, жуғрофий-сиёсий шароити жиҳатидан халқро терроризм ва экстремизм уюқларига яқин жойлашгани боис Ҳамдўстлик аъзолари бу иллатлардан энг кўп таъшиш чекадиган мамлакатларга айланган. Бу омил, Президентимиз Ислам Каримов кўп бор таъкидлаганидек, уллардан қатъий ҳамжихатлик ва яқдилликни талаб қилади.

ги, ундан фойдаланиш зарурати эътироф этилади.

МДХ учун иқтисодий интеграциянинг зарурати фақат аъзо мамлакатлар иқтисодиётининг бир-бирини тўлдирishi билан чекланмайди. У глобализация жараёнлари жаддалашаётган шароитда дунёда оз бераётган иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларга тайёр туриш, турли инқирозларни биргаликда енгишда ҳам муҳим. Минтақавий интеграция орқали жаҳондаги умумий иқтисодий жараёнларга қўшилиш ҳам қулай, ҳам фойдалидир. Давлатлар раҳбарларининг баёнотида бу фикр ҳам ўз аксини топган.

МДХнинг яна бир аҳамиятли томони шундаки, жуғрофий-сиёсий шароити жиҳатидан халқро терроризм ва экстремизм уюқларига яқин жойлашгани боис Ҳамдўстлик аъзолари бу иллатлардан энг кўп таъшиш чекадиган мамлакатларга айланган. Бу омил, Президентимиз Ислам Каримов кўп бор таъкидлаганидек, уллардан қатъий ҳамжихатлик ва яқдилликни талаб қилади.

Бинобарин, президентлар бу борадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга тайёр эканликларини билдирди.

Шундай қилиб, 10 йиллик юбилей баҳонаси билан МДХ раҳбарлари Ҳамдўстликнинг тараққиёт йўналишлари хусусида яна бир қарра фикрлашиб олди. Матбуот анжуманида таъкидланганидек, эндиликда асосий ургу савдо-иқтисодий ҳамкорликка, қабул қилинган ҳужжатларни тўлағичча ҳаётга татбиқ этишга қаратилади. Ўтган ўн йиллик ичида йўл қўйилган хатолар, чалғишлар бартараф этилса, Ҳамдўстлик қай мақсадда тузилгани янада аниқроқ намоён бўлади ва барча мамлакатлар манфаати йўлида барқарор ривожланади.

■ **Анвар БОБОЕВ,**  
**ЎзА махсус мухбири**  
**Тошкент-Москва-Тошкент**  
♦♦♦  
Суратларда:  
саммитдан лавҳалар.  
**Абдувоҳид ТўРАЕВ**  
**(ЎзА) олган суратлар**

### ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ЕТТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг еттинчи сессияси 2001 йил 6 декабрь куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилди.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 5 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

### СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ДЕПУТАТЛАРИ ФРАКЦИЯЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛАР БЛОКЛАРИ ТАРКИБИГА КИРАДИГАН ДЕПУТАТЛАР ДИҚҚАТИГА

4 декабрь куни Олий Мажлисида соат 14.00 да сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блоқи, соат 15.00 да «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Фидокорлар миллий демократик партияси фракцияларининг йиғилишлари бўлади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилиши эса ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида соат 16.30 да бўлади.

5 декабрь куни Олий Мажлисида соат 14.00 да «Адолат» Социал-демократик партияси фракцияси ҳамда соат 15.00 да — ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлис депутатлари блоқи йиғилишлари бўлади.

### ХРОНИКА

## МУВАҚҚАТ ҲУКУМАТ: УНИ КИМ БОШҚАРАДИ?

Қандаҳор учун бўлаётган жанглар олдингилардан фарқли, аёвсиз равишда кечаётганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ушбу жангларда шаҳарнинг собиқ ҳокими бошчилигидаги аҳоли ҳам толиблар билан ашаддий жанг қилишяпти. REUTERS агентлиги хабарига кўра, ҳозирда Гул-Аги бошчилигидаги аҳоли Қандаҳор шимолида жойлашган аэропортни эгаллаш ҳаракатида. Бироқ ёлланма жангарилар томонидан кескин қаршиликка учрашяпти. Улар ҳақиқатан бошқа имконлари йўқлигини билишади, шунинг учун охиригача жанг қилишга чоғланишган, дейилади ушбу манбада.



Жанглардан ҳалок бўлган АҚШ ҳарбийларининг жасади Америкага келтирилгани ҳақида маълумотлар бор. Покистоннинг «POKISTON OBSERVER» газетасининг ёзишича, ҳалок бўлган АҚШ ҳарбийлари юздан ортиқ кишини ташкил этади.

Ушбу қурбонлардан қатъи назар, Боннда Афғонистонда муваққат ҳукумат тузиш масаласига бағишланган конференция мана олти кундирки, ўз иштини кескин давом эттирмоқда. Хуллас, конференциянинг ҳозиргача бўлган хулосаларига кўра, Афғонистондаги муваққат ҳукуматни мамлакатнинг собиқ шоҳи Зоҳир Шохнинг маслаҳатчиси Абдул Сирот бошқариши мумкин. Айнан унинг номзоди конференцияда кўпчилик томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу лавозимга пуштунлар томонидан Ҳамид Қарзийнинг номзоди ҳам кўрсатишган эди. Абдул Сиротнинг айнан Зоҳир Шох томонидан қувватланиши унга пуштунлар томонидан эътироз бўлмастлигига кўмак берадиган фикрлар ҳам мавжуд. Шунингдек, Сирот Бирлашган қўшнлар Иттифоқи томонидан ҳам қувватланган. Маълумотларга кўра, Сиротнинг миллати ўзбек. Ушбу ҳукумат фаолияти олти ойга, яъни афғон қабилаларининг олий кенгаши чақирилгунга қадар белгиланган.

Конференцияда ҳукумат таркиби ҳам аниқланган. Унга кўра, ҳукуматда 29 аъзо бўлади: раис, унинг беш муовини ва 23 нафар вазир. Энди ашаддий кураш вазирилик ўринлари учун бўлиши кутилмоқда. Бироқ вазирилик лавозимлари ҳали айнан мажмур конференцияда тақсимланиши гумонга ўхшаيدди. Чунки, БМТ вакиллари конференция ўз иштини ниҳоялаётганига ишора қилишган.

рени кўриб ҳайратланди. Кейинроқ у ўз ажабланишини изоҳлаб берди. Уларда бу алоқа воситасининг соғлиққа зарари бўлганлиги боис, унча кўп ишлатишмас экан. Фақатгина зарурат юзасидан маълум касб эгалари — журналистлар, тадбиркорлар, иқувварлар ва шу каби соҳа эгаларига фойдаланишар экан.

Биз бу билан қўл телефонидан фойдаланишни таъкидлаганимиз йўқ, ундан фойдаланиш маданиятини ўрганишимиз керак, демократизм, ҳолос.

■ **Юнус БҮРОНОВ**

### МУЛОҲАЗА

## «СОТКА» ДАН ФОЙДАЛАНИШ МАДАНИЯТИНИ БИЛАСИЗМИ?

зарарли оқибатлар ҳақида гоҳ-гоҳида ўқиб қоламиз. Келинг, бу муаммага хорижда ўтказилган изланишлардан исбот қидирмайлик-да, ўз ҳаётимизга бир назар ташласак...

Аудиторияда илҳомланиб лекция ўқийтган ўқитувчини қайсидир талабанинг қўл телефонидан эшитилган кўнги-

роқ овози бўлиб қўйди. Дарс мобайнида бу ҳол аудиторианинг у ёр-бу еридан тез-тез такрорланди. Домла ўз сўзини йўқотиб қўйди.

Бу каби ҳолатлар жамоат йиғинларида, масалан, мажлисларда, театрларда, кино залларида тез-тез такрорланиб туради. Бундай вазиятларда айрим қўл телефон

эгалари мажлисни ёки лекторнинг нутқини бўлиб қўйганидан уялмай, аксинча мактаниб ҳам қўйгандек бўлишди. Табиий савол туғилди. Аудиторияда бу телефондан фойдаланиш мумкинми? Ёки фақатгина фойдаланиш маданиятига қараб, хар ким ўзинча хулоса чиқариши шартми?

Шу ўринда яна бир ҳаётий мисол. Хар замонда эшитиб қоламан, баъзи қизлар турмушга чиқишдан олдин йиғитига қўйилаётган шартлар рўйхати орасида «Қўл телефони борми?» деган савол ҳам ўрин олган.

Демак, баъзи бир ўртоқларимиз қўл телефони борлигини гуруҳларанса, қизлар юқоридаги каби шартлар қўйса, айтиш мумкинки, жамиятда яна бир «янги» ижтимоий қатлам вужудга келмоқда. Албатта, бу киноя ҳолос.

Жанубий Кореядан келган Пе Че Хон деган корейс тили ўқитувчиси ўзбек талабалари қўлидаги қўл телефонла-

Мамлакатимизда қўл телефонларидан фойдаланишнинг алоқасизлиги ҳам кўп вақт ўтгани йўқ. Ҳозирда Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган «UzDunrobita», «Bustel», «UzDaewoo» каби фирмаларнинг қўл телефонлари қўлайиб бераётганидан билса бўладики, фойдаланиш хизмати кўламли кенгайиб бормоқда. Бу замонавий алоқа воситалар қўлай бўлиши билан бирга зарарли томонлари ҳам борми?

Бу мавзуда чет эл олимлари, шифокорлари ўтказган тадқиқотлар натижасидаги

**ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ**

АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР ТАРАФДОРИ!  
ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:  
«Ўзбекистон овози» — 220  
«Голос Узбекистана» — 121

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2001 йил 4 декабрдан бошлаб ҳисоб ва боғжона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:\*

1 Австралия доллари	356,49	10 Люксембург франки	151,75
1 Австрия шиллинги	44,49	1 Малайзия ринггити	179,98
1 Англия фунт стерлинги	973,17	1 Германия маркиси	313,00
10 Бельгия франки	151,75	1 Польша злотийси	168,36
1 Голландия гульдени	277,79	1 СДР	865,80
10 Греция драхмаси	17,98	1000 Туркия лираси	0,46
1 Дания кронаси	82,29	1 Финляндия маркиси	102,96
1 БАА дирхами	186,21	1 Франция франки	93,33
1 АҚШ доллари	683,84	1 Швейцария франки	416,49
1 Миср фунти	160,34	1 ЕВРО	612,17
10 Испания песети	36,79	10 Жанубий Корея воңи	5,41
100 Италия лираси	31,62	10 Япония иенаси	55,32
1 Канада доллари	434,46	1 Россия рубли	22,87
1 Хитой юани	82,62	1 Украина гривнаси	129,44

\* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажмур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ФМТ-1

«Ўзбекистон почтаси» Давлат-Акционерлик компанияси

АБОНЕНТЛИК Газета **220**  
Нашр индекси

**ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ**

Обуна сони

2002 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга (Фамилияси, исми ва отасининг исми)

---

ФМТ-1

Нашрга етказиш варақаси **220**  
Нашр индекси

**ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ**

Обунани янги манзилга юбориш	Баҳоси	сўм	обуна сони
	Баҳоси	сўм	

2002 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
---	---	---	---	---	---	---	---	---	----	----	----

Қаерга (почта индекси) (манзилгоҳ)

Кимга





